



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 200 (11.009)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Кадрли дўстлар!
Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч отказадиган ажойиб бир кун. Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасини кўлга киритдилар. Том маънода улкан ва шарафли меҳнат натижаси бўлмиш мана шундай ютуқ билан сиз азизларни, бугун халқимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий қўтлайман ва муборакбод этаман.

Сизлар эришган бу муваффақият ўзбек деҳқони, ўзбек фермерининг бор қуч-ғайрати, азму шиқвати ва қатъиятини мўл ҳосил этиштиришдек эзгу мақсадга бағишлаб, йил ўн икки ой давомида ер билан тиллашиб, кунни тунга улаб, табиат қийнчиликлари мардона энгиб қилган фидокорона меҳнати, кўп йиллик тажриба, ота-боболаримиздан қолган пахтакорлик касбини сирли синоатидан оқилона фойдаланиш махсули эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, эришилган бу бекиёс галаба замирида авваломбор бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узқини қўзлаб амалга оширилаётган кенг қўламли тул ислохотларимизнинг ижобий самараси муҳассам десак, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлак янги шакли бўлмиш хусусий фермер хўжаликлари томонидан яратилди.

Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи галда, меҳнат унмудорлиги ва хосилдорлик даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб турган.

Мамлакатимиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача қарий 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг ўтган йилги 74 фоиз ўрнига 86 фоизга биринчи навларга топширилгани мисолда ҳам бунга яққол қўшиқ мумкин.

Пахтачиликда сўнги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азиздан мансуб бўлган омилкорлик, ишонинг қўзини билиб меҳнат қилиши, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фол муносабатининг кунайиб бораётганини, мустақар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурда юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, деҳқонларимизнинг машаққати ва олимпиа меҳнатини муносиб қадрлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган катта ишларимиз ҳам бу йўлда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида истиқболли, серҳосил ва эрталишар навлар яратиши, уларни ҳар қайси ҳудуднинг иқлим аа туپроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий илгор технологиялари жорий қилиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, фермер хўжалиқларини молиявий ресурслар, янги техникалар, минерал ўйит ва зарур воситалар билан таъминлаш, ҳосилни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш, термини ушшоқлик билан ташкил этиш каби ўта муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши ҳам бу галабага эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизнинг юксак пахта хирмониға ўзининг салмоқли улусини қўшган, шартнома режасини биринчилар каторида адо этиб, барчага ўрнатқ бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро, Андижон ва Сурхондарё, Жиззах вилоятлари пахтакорларининг меҳнат жасорати айниса таҳсинға сазовордир. Қолган вилоятлар ҳам ўз мажбуриятларини бажариш арафасида турганини мамнуният билан айтиш зарур.

Ҳар гектар ердан ўртача 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган Амударё ва Нарпай, Денов ва Са-

рисиёй, Шўрчи ва Пахтаобод, Вобкент ва Пахтакор, Косон ва Қарши ҳамда бошқа қатор туманлардаги қўллаб фермер хўжалиқлари бу кўрсаткични 50-55 центнерга етказгани ҳам шундан аён бўлади. Деҳқонларимизнинг қандай буюк марраларини эгаллашга қодир эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ана шундай интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиғи билан жаҳон бозорида мустаҳкам ва муносиб жой эгалламоқда. Пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган йирик хорижий компанияларнинг уч йилдан буюн Тошкент шаҳрида ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркасида фаол қатнашиб келаяётгани ва бу борада эришилаётган амалий натижалар шундан далолат беради.

Бугунги хурсандчилик дамларида барчамизни мана шундай ёруқ қунларга етказиб, эл-юртимизни ўз панохида араб, марҳаматини аямасдан, ҳаммиса йўлиминизни очиб бераётган Оллох таолоға шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Сиз, азизларни мана шундай меҳнат зафарларингиз билан табриклаш асосида мен ерга кўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад толиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яқол тасаввур қиламан. Ҳеч муболағасиз, бугун омборларимиз мўл ҳосилға, кўнгилларимиз шодлиқға тўлган мана шу қўтлуғ кунни барча деҳқонларимиз ўз муродиға етган кун, деб аташ мумкин.

Аини пайтда, бу муҳим галаба sanoatimизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлиғига бойлик қўйиш, шу тариха Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришға хизмат қилиши мўжаррар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларни ечиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтиришдек олижаноб ишларда фаол иштирок этиб келаяётган фермерларимизға ўз номидан, халқимиз номидан чўқур миннатдорчилик билдириш ва уларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Иқтисодиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалиғида меҳнат унмудорлиғи ва унинг самарадорлиғини ошириш неғизида ушбу соҳани замонавий бошқичға кўтариш биз учун устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Аиниса, кўп йиллардан буюн деҳқонларимизни қийнаб келаятган энг мураккаб ва долзарб муаммо бўлмиш ерларнинг мелориотати ҳолатини яхшилаш, жуда катта маблағ ва моддий ресурсларни талаб қиладиган бу масалани тубдан ҳал этиш янги йилда давлатимиз за ҳўкуматимизнинг асосий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Бизнинг аграр соҳадаги дастур ва режаларимиздан алоҳида ўрин олган бундай амалий мақсадлар яқин келгусида ўзининг ҳосили ва мевасини беради, иншоолло. Шаҳсан мен қишлоқ хўжалиғини юксалтириш, шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровон, оғирини енгил қилишини ўз фаолиятимнинг асосий маъзунуи, деб биламан ва бу масалани Ватанимизнинг нафакат бугунги, балки эртанги тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраман.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Сизларни, бугун Ўзбекистон ахлини бугунги катта галаба билан яна бир бор қўтлар эканман, барчангизға сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизға тинчлик-оосийшталлик ва файзу баракка тилаяман.

Хорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдоналарим!
Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚўШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ РАСМИЙ, ЭКСПЕРТ ВА ЖАМОАТ ДОИРАЛARI ВАКИЛЛАРИДА ҲАМОН КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ РАҲБАРИНИНГ МАЗКУР МАЪРУЗАСИ ЮЗАСИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИГА ХОРИЖИЙ ЮРТЛАР ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛАЁТГАН КўП СОНЛИ ШАРҲЛАР ВА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРИБ ТУРИБДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ТАРАҚҚИЁТ Йўли ўзининг ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА

Италиянинг Осий ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институти Бош котиби, «Италия-Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик ассоциацияси котиби Антонио Локенинг фикр билдиришича, мустақил ривожланишининг 16 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон эришган натижалар гоят ижобийдир. Республика қўлга киритган муваффақиятлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларни қамраб олади.

«Бугун халқаро ҳамжамиятнинг қўҳна ва улғувор тарихға эға бўлган Ўзбекистонға нисбатан ҳурмат-эътибори тобора ошиб бораётгани бежиз эмас, дейди А.Локе. Республика мустақид бошқарув ва собиқ шўролар тоталитар тизимидан халос бўлиб, ўзининг янги йўлиға кадам қўйди. У ана шундай оғир меросдан қўтилиб, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда изчил ўсишни таъминлагани ҳолда ўзининг муносиб, эркин ва оозод давлатини бунёд этмоқда.

Халқнинг қонунларға ишончи, бозор иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, ислохотлардаги янгилари билан қатъийлик, шунингдек, «янги уй қўрмай туриб эскисини бузаман» шiori асосидаги саъй-ҳаракатлар атрафида ўз келажағига ишонч билан қарайдиган, гурурли, фаол, масъулиятли янги халқ ва янги давлат вужудға келди.

Шундай улкан ўзгаришларнинг ташкилотчиси бўлган Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиғи остида амалга оширилган янги мамлакат турлиги жаҳонларнинг натижалари, шунингдек, ҳеч қандай иштиқобли бўлмаган эски, нолиберал, маъмурий-бошқарув тизимидан бошқича-бошқич халос этиш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар жуда қувонарлиқдир.

Демократия лотерея ўйинидан ютиб олиш мумкин бўлган бойлик ёки уни импорт қилиш ёхуд ташқаридан мажбуран тиқштириш мумкин бўлган тизим эмаслиғини теран англаган Президент Ислом Каримов Ўзбекистон келажағи фақат ўз мамлакатининг халқига тегишли экани ҳамда фақатгина халқ ўз келажағига даҳлдор бўлган қарорни қабул қилиши мумкин, деган фикр мамлакат аҳолиси орасида тарқалишга имкон берадиган ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кенг қўламли ислохотларни бошқича-бошқич амалга оширишни бошлади.

Сўнги икки минг йиллик давр мобайнида тарих Ўзбекистон фойдасиға, унинг шаҳарлари – бутун дунёға машҳур бўлган очиқ осмон остидаги музей ва нафис маданият марказидан сўзлайди.

Эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиб ва доимо келажакка назар ташлагани ҳолда Президент Ислом Каримов авлодларға янги йўлни кўрсатади, агар бу мамлакатни буюк қилган қадриятларға нисбатан ҳурмат билан, ўзаро баҳамжиятликда ҳаракат қилинса эртанги кун янада порлоқ бўлишиға диққат-эътибор қаратади.

Туркиянинг Марказий Осий бўйича эксперти, Гази давлат университетини Халқаро муносабатлар бўйича факультети ўқув кенгашининг аъзоси Меҳмет Эрол маърузани шарҳлар экан, қўйдагиларни таъкидлайди:

«Шундай қисқа тарихий давр орасида инсон ҳуқуқлари, унинг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлиғига юксак даражада эътибор кўрсатувчи ҳуқуқий давлатнинг барча унсурларини ярата олган Ўзбекистон раҳбариятини муносиб равишда эътироф этиш лозим. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улим жаҳосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Улим жаҳосини бекор қилиш тўғрисидаги масала жаҳоннинг демократик тизимлари ривожланган қўллаб мамлакатлари учун ҳам оғир муаммо бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон раҳбарияти ана шу қарорни қабул қилиб, ўзининг демократия тамойилларига содиқ эканлигини яна бир қарра намойиш этди.

Мен Ўзбекистонға сафарим давомида жамиятни либераллаштириш ҳамда демократлаштириш жараёнилари билан бевосита танишиш имкониятиға эға бўлдим ва мамлакат раҳбарияти танлаган миллий тараққийёт моделининг турки эканлиғига комил ишонч ҳосил қилдим. Ўзбекистонда бўлиб, ўзининг янги ўйини – демократия давлат устуруларини қўраётган очиқ ва дўстона жамиятни ўзим учун кашф этдим», деб таъкидлайди туркиялик эксперт.

Қувайдиги Араб очиқ университетининг улзуксиз таълим бўйича бош директори Фаҳад ал-Мекраданинг сўзларига қараганда, «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққийёт моделининг акралиб турадиган асосий хусусияти унинг «ислохотлар ислохот учун эмас, балки инсон манфаати ва унинг турмуш фаровонлиғини яхшилаш учун» деган тамойилға асосланганидир. Бу тамойил шундайлиққа қолади».

(Давоми 2-бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ўТДИ. УНИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗОУЛУҒБЕК АБДУСАЛОМОВ БОШҚАРДИ.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 24-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоғида иштирок этишға ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатлариға кирдучи бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди. Шу кунни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларға Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоғида иштирок этишға ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи, улар кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчиларнинг имзоларини тўплашни ташкил этиш тартиби, шунингдек, бўлажақ сайловға тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида маълумот берди.

Оқруғ сайлов комиссиялари тузилганлиғи, уларнинг жамоатчилик обрўи вакиллари орасидан шакллантирилган шахсий таркиби, шунингдек, ушбу комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақида ахборот берилди.

(Ў.А)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ РўЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 24-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишға ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишға ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИНГ РўЙХАТИ

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
2. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентлиғига Акмал Холматович Саидовни номзод этиб кўрсатиш бўйича 2007 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида тузилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи.

ЎЗБЕКISTОН ТАНЛАГАН ТАРАҚИЎТ ЙЎЛИ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фахад ал-Мекрадиннинг фикрича, «Президент И.Каримовнинг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, бу юртда яшовчи аҳоли ўртасида миллатлараро ва динлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича курсатаётган саяё-ҳаракатлари ва қабул қилаётган чора-тадбирлари алоҳида эътиборга моликдир».

Ўзбекистон давлати раҳбарининг маърузасига берган баҳосида Ф. Ал-Мекрад, «у бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюриб, ислохотларнинг изчиллиги ҳамда самарадорлигига, халқнинг фаровонлиги даражаси ошатишига, иқтисодий ривож топаётганига, миллий маданият ва маънавий қадриятлар янги қўбасиб олганлигига алоҳида эътибор берган».

АҚШнинг Ратгерс университети профессори, «Global Scholarly Publications» халқаро ташкилот директори, диншунос олим ва шарқшунос Парвиз Морвиҳ ўз шарҳида «мен ҳамеша Президент Ислам Каримовнинг моҳир амалиётчи эканлигига ва узоқни кўра олишига катта ҳурмат билан қарайман. Бир муҳим омилини алоҳида таъкидлашни истардим: Ўзбекистон ўзининг мушук тараққиёт йиллари давомида миллий манфаатларига дахлдор барча масалалар юзасида ўзининг аниқ нуқтаи назари билан ажрлиб тургани бутун дунёда уни ташқи ва ички сиёсатда эркин ва мушукли эканлигини исботлади. Мен айнан ана шу жиҳат Ўзбекистоннинг улкан муваффақияти бўлди, деб ҳисоблайман».

Менинг баҳолашимча, Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг миллий модели ўзини оқлади ва ижобий натижаларини бермоқда. Бу, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳада барқарор ва изчил тараққиётига ўз ифодасини топаётди. Бугун республика прогрессив ривож топаётган санъат мамлакатига айланмоқда».

АҚШдаги етакчи адвокатлардан бири, юридик фанлари доктори Альберт Давнининг қайд этишича, Президент Ислам Каримов маърузасидаги фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратди ва уни мушуклаштириш, демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, мамлакат суд-ҳуқуқ тизimini либераллаштириш бўйича республикада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг алоҳида эътиборини тортган.

«Бу соҳада Ўзбекистон улкан қадам ташлади», деб таъкидлайди А.Даян. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор институтларни яратди.

Хуқуқ соҳасида «жазо тизimini инсонийлаштириш» деган тушунча маъжуд. Унинг моҳияти жинсий кўнунчиликни эркинлаштиришни аниқлади. Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар айнан шу тамойил асосида олиб борилаётганини таъкидлаш лозим.

«Синьхуа» ахборот агентлигининг БМТ ҳузуридаги халқаро шарҳовчиси Либи Лиу таъкидлаганидек, «Ислам Каримов ўз президентлигининг илк кунларида оқибатларни, муқаддас ислом динини, миллий урф-одатлари ва анъаналарини қайта тиклаш бўйича улкан ишларни амалга оширди. Шуниси қўвонarliки, бундай эзгу харақатлар халқаро ҳамжамият томонидан тан олинмоқда ва юксак баҳоланмоқда».

Президент Ислам Каримов ўз маърузаларининг бирида таъкидлаганидек, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч қандай қарам бўлмади. Бу шунчаки оддий сўзлар эмас. Бинобарин, Ўзбекистон аввал бошдан оқибатли сиёсат юритиб келди ва уни давом эттирмоқда. Шу боис уни ҳурмат қилишмоқда ва у билан ҳисоблашмоқдалар».

«Жахон» АА

САМАРҚАНД ШАХРИНИНГ 2750 ЙИЛЛИГИГА БАГИШЛАНГАН МАЗКУР КИТОБ ГЕРМАНИЯ, АВСТРУЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМ ҲАМДА ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УШБУ МАМЛАКАТДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ КЎМЛАКДА ЧОП ЭТИЛДИ. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, МАЗКУР НАШР ГЕРМАНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИДА ЖУДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙГОТМОҚДА.

Китоб сўзбоши ва «Тарих», «Мемморчилик», «Илоҳиёт», «Хотира» деб номланган тўрт бўлимдан иборат. Ундан юқорида санаб ўтилган мамлакатларда яшовчи 11 нафар таниқли олим қаламига мансуб мақолалар жой олган. Китобда муаллифлар ҳамда Германиялик сураткашларнинг, шунингдек, Берлин ислом санъати музейи архиви томонидан тақдим этилган фотосуратлардан кенг фойдаланилган.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи билан очилди.

Муқаддима муаллифи — таниқли олим, Германия археология институти президенти, профессор Х.Парцингер кўхна Туркстон, унинг қўқ марказида жойлашган Ўзбекистон ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот берадиган, маданиятларнинг ўзаро алмашинувида Буюк Ипак йўлининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Олимнинг қайд этишича, неолит ва бронза даврининг илк даврларидаёқ «Ўзбекистоннинг ҳам-ашё бойлиги Марказий ва Олд Осиёни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшган. Бронза даври сўнггида сугорма ҳужаймалар билан шугулланувчи умумий шаҳар марказлари ҳамда улар атрофларида кўчмачи — чорводор гуруҳлари вужудга келди. Марказий Осиё учун хос бўлган бундай жамоа бўлиб баҳамжиҳат ҳамда тинч-тотув ҳаёт кечириш тарзи янги даврларга чақилган қолди».

Х.Парцингер фикрича, «эраизгача бўлган тўртинчи асрда этник, маданий, тил ва диний муносабатларда ранг-баранг манзаралар юзга кела бошлади. Улар бугунги Ўзбекистоннинг анъаналарига асос бўлганлиги ҳолда янги даврларга қадар сақланиб қолган. Бунда ибодатхоналари ва унга ёндаш зардуштийликнинг ўтга сиғиниш ибодатхоналари, насронийлик черковлари қаршида қад рўстлаган манихейизм диний аҳкамларида зияратчилар ўз расм-русумларини бемалол адо этардилар».

Кейинги саҳифаларда олим «Самарқандда XIV асрда Марказий Европада Ўзининг голибона юришини бошлаган жаҳондаги энг қадимий қўғоз фабрикаси юзга келгани ва узоқ вақт давомида жуда машҳур бўлиб қолгани» хусусида қалам тебратди.

Х.Парцингернинг алоҳида таъкидлашича, бу ерда машҳур хунармандлар, илм-фан ва маданият арбоблари фаолият олиб борган ҳамда дунёга доғи кетган иншоотлар қурилган энг эркин даврлардан бири, шубҳасиз Амир Те Мур номи билан боғланган.

Амир Те Мур томонидан қудратли империянинг эркин пойтахти сифатида бунёд этилган Самарқанд шаҳри XIX асрдан бош-

лаб секин-аста таназзулга юз тутга бошлади.

Китобда таниқли олима, жамоат арбоби, Германия-Ўзбекистон илиий жамияти раисининг ўринбосари, фотограф, Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси Габриела Келлернинг «Менинг Самарқандим» шеърли чоп этилган. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор: «Икки минг йиллик тарихга шоҳид О, Самарқанд! Сени бир боп қўрган инсон, Унутулмас асло бир он».

Олима бу азиям шаҳар ҳақидаги фикрларини давом эттирдик экан, қўйдиганларини ёзади: «Бу ердаги азизу авлиёлар макбараларини зиярат қилиш — мусулмон кишисининг Маккадан кейинги ардоқли орзуси ҳисобланади. Муқаддас қудуқ ва кўхна гор ёнида жойлашган ва баргларнинг шитирлаши чулбаб олган Доңиёр пайгамбар қабри сирлилик пардаси билан ўралган. Шарқ дурдонаси — Самарқанддан кезиб муҳаббат билан уйга қайтасиз. Дунёнинг барча эр-

Доктор Габриела Келлер: «Мен — САМАРҚАНД ҚИЗИМАН» Германияда немис тилида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган китоб нашр этилди

тақлари шу ерда туғилади». «Тарих» бўлимидаги илк мақола «Жаҳон шаҳарлари ичида энг ўзаали — Ахамонийлар ва Буюк Искандар ўртасидаги Самарқанд» деб номланган. Германиялик олим, Хале университети доктори Сёрена Штарка қаламига мансуб ушбу мақолада Самарқанднинг Искандар Зулкарнайн ва Ахамонийлар давридаги тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар келтирилди.

Китобда яна бир немис олими, Триер университети профессори Клаус Пандернинг «Амир Те Мур — ислом динининг химоячиси ва унинг насроний Европа учун аҳамияти» номли мақоласи чоп этилган. Тадқиқот ишида 1402 йилда Амир Те Мурнинг Йилдирим Боязид устидан эришган тарихий ғалабаси ҳамда буюқ сарқарда даврида Самарқанднинг гуллаб-яшнагани хусусида хикоя қилинади.

Амир Те Мурнинг улўворлиги ҳақида тўхталиб, муаллиф европалик монархлар уни бежизга «Буюк ва қудратли ҳукмдор» деб аташмаганини қайд этади. «Жаҳон тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган сохибқирон Амир Те Мур шундай дер эди: мамлакат раҳбарсиз рўҳсиз танага ўшайди. Рўҳсиз тана эса ўлик, демақдир», деб ёзади С.Штарка.

Немис тадқиқотчиси Клаус Пандернинг мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийларнинг зияратгоҳи ҳисобланган ва Амир Те Мурнинг саяё-ҳаракати билан ҳоқи Самарқандда мангу кўним топган Даниел (Ҳожа Доңиёр) пайгамбарнинг ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи мақоласи «Шерлар ўрасидан чиққан пайгамбар — Доңиёр макбараси», деб номланган.

Австрия фанлар академияси олими Ральф Кауц ўзининг «Самарқанд — ўрта асрларда Марказий Осиёнинг маркази: Хитой нигоҳи» сарлавҳали мақоласида «Ҳарбий минтақаларнинг маркази сифатида Самарқанднинг ўрни ва аҳамиятини баҳолаш жуда мушкулдир», деб ёзади. Бу тадқиқот Минг сулоласи даврида (1368-1644 йил-

лар) Хитой ва Самарқанд ўртасидаги маъжуд ўзаро муносабатларни ўрганишга бағишланган.

«Самарқандда Улуғбек ҳукмронлиги даврида шаҳар нафақат Марказий Осиёнинг маданий ва иқтисодий маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди, балки у янада гуллаб-яшнади. Шохрўх ва Улуғбекнинг Хитой билан ўзаро алоқаларини ривожлантириши ҳамиша тинч йўл билан амалга оширилди ва 15 асрнинг биринчи ярмида икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ва савдо муносабатлари жадал ва жуда яқинликда кечди. Хирот, Самарқанд ва Пекин оралигида кўплаб дипломатия вакиллари саёхат қилишди», деб ёзади тадқиқотчи.

Муаллиф Самарқанд ҳақида тўхталиб, хитой тарихчиси Чен Ченганинг қуйидаги фикрларини келтиради: «Шаҳар аҳолиси ажойиб, гайратли ва маданиятли. Бу ерда олтиндан, қумушдан, мис ва темирдан бежирим буюмлар тайёрлашади, наमतдан гилламлир тўқишади. Ҳар жойда терак, қайрағоч, тол, шафтоли, ўрик, нок, олхўри, олма

уларга ишлов бериш билан шугулланишган. Кулодон эса кулоллар маҳалласидир. Юсуф Чаррот маҳалласи — ёғоч уймақорлиги усталарининг мавзесидир».

Гамбург университети доктори Герд Гропп ўз тадқиқотини «Афросиёбнинг деворий суратлари» деб номлаган. Унда 1964 йили шох саройини қазийш чоғида топилган ва Самарқанднинг ўша даврдаги сарой ҳаётини акс эттирган ноёб қадимий деворий суратлар атрафлича ўрганилган.

Афросиёб суратларини таърифлар экан, олим Чагонийё-Бактрия элчисининг тасвирига тўхталиш ҳамда либосда акс эттирилган элчининг қуйидаги табриқ сўзини келтиради: «Хунн ҳукмдорининг элчиси ташриф буюрганида, у айтдики, «Мен Бур-Сат Чагонийё девони бошлиғи, бу ерда Чагонийё империяси етакчиси Туронтош номидан Самарқанд ҳукмдорига чўқур ҳурмат билан келдим. Ва жана хозир ҳукмдор қаршида чўқур ҳурмат ҳисси ила турибман. Мен Сизнинг қудратли салтанатингизга нисбатан эҳтирмомга тўлиб-тошганим ҳолда Сиздан хунн ҳукмдори сифатида ҳамиша омонликда бўлишимизни тиламан».

Китобнинг мазкур бўлимида Берлиндаги Ислам санъати музейида сақланаётган ноёб фотосуратлар ўз ўрнини топган. Уларнинг муаллифи 1898 йилда Марказий Осиёга сафар қилган ва ўз суратларини Берлин музейига тақдим этган таниқли санъатшунос Ф.Зарре ҳисобланади.

«Илоҳиётшунослик» бўлимида Циорх университетини профессорини, швейцариялик олим Ульрих Рудольфнинг «Самарқанддаги сунний илоҳиётшунослар тарихи» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда Самарқандда сунний илоҳиётшуносликнинг юзга келиши ва ривожланиши, Самарқанд илоҳиётшунослик мактабининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотурийдий тадқиқотлари ва илмий ишлари хусусида сўз боради. Жумладан, унинг Қуръони карим шарҳига бағишланган Таъвилот аҳл ас-сунна ҳамда Китоб ат-Таъхид номли китобларида ёзилган фикрларига алоҳида ургу берилган.

«Хотира» номли тўртинчи бўлимда доктор Габриела Келлер қаламига мансуб яна бир ижод намунаси — «Самарқанддан эртта» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда олимнинг Самарқанд билан боғлиқ хотиралари қаламга олинган. Муаллиф мақолада бу жозибали шахарнинг бетакрор ўзгаллиги, ўзбек оилаларида ҳукмрон бўлган самимият ва илиқ муҳит, ўзбек аёлларининг латофати ва камтарлиги хусусида завқ ва шафқ билан ёзади. Г.Келлер самарқандликларнинг меҳмондўстлиги, уларнинг одамхўшлиги, халқ аъаналари ва урф-одатларини моҳирлик билан сақлаб келаятганини хусусида хикоя қилар экан, ўз фикрини қуйидаги давом эттиради: «2005 йилнинг май ойида мен бутун дунёга машҳур «Минг бир кеча» асари муқаддимида келтирилган, қадим даврлардан буён санъат, маданият ва исломнинг муқаддаслиги билан боғлиқ ушбу бетакрор шахарнинг фахрий фуқароси унвонини олдим. Энди бой аъаналарга эга бу эрттақондан шахар меннинг иккинчи ватанимга айланди. Мен Самарқанд қизиман. Бундан жуда мамнунман ва самарқандликлар фахрий унвон билан бирга менга тақдим этган ишонч ва муҳаббатдан беҳад миннатдорман», деб ёзади германиялик олима.

Масалан, Сўзангарон ҳудуди «игна тайёрловчилар» даҳиси бўлган. Бу ерда жойлашган тикувчилар матолар тайёрлаш ва

ишлов бериш билан шугулланишган. Кулодон эса кулоллар маҳалласидир. Юсуф Чаррот маҳалласи — ёғоч уймақорлиги усталарининг мавзесидир».

Гамбург университети доктори Герд Гропп ўз тадқиқотини «Афросиёбнинг деворий суратлари» деб номлаган. Унда 1964 йили шох саройини қазийш чоғида топилган ва Самарқанднинг ўша даврдаги сарой ҳаётини акс эттирган ноёб қадимий деворий суратлар атрафлича ўрганилган.

Афросиёб суратларини таърифлар экан, олим Чагонийё-Бактрия элчисининг тасвирига тўхталиш ҳамда либосда акс эттирилган элчининг қуйидаги табриқ сўзини келтиради: «Хунн ҳукмдорининг элчиси ташриф буюрганида, у айтдики, «Мен Бур-Сат Чагонийё девони бошлиғи, бу ерда Чагонийё империяси етакчиси Туронтош номидан Самарқанд ҳукмдорига чўқур ҳурмат билан келдим. Ва жана хозир ҳукмдор қаршида чўқур ҳурмат ҳисси ила турибман. Мен Сизнинг қудратли салтанатингизга нисбатан эҳтирмомга тўлиб-тошганим ҳолда Сиздан хунн ҳукмдори сифатида ҳамиша омонликда бўлишимизни тиламан».

Китобнинг мазкур бўлимида Берлиндаги Ислам санъати музейида сақланаётган ноёб фотосуратлар ўз ўрнини топган. Уларнинг муаллифи 1898 йилда Марказий Осиёга сафар қилган ва ўз суратларини Берлин музейига тақдим этган таниқли санъатшунос Ф.Зарре ҳисобланади.

«Илоҳиётшунослик» бўлимида Циорх университетини профессорини, швейцариялик олим Ульрих Рудольфнинг «Самарқанддаги сунний илоҳиётшунослар тарихи» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда Самарқандда сунний илоҳиётшуносликнинг юзга келиши ва ривожланиши, Самарқанд илоҳиётшунослик мактабининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотурийдий тадқиқотлари ва илмий ишлари хусусида сўз боради. Жумладан, унинг Қуръони карим шарҳига бағишланган Таъвилот аҳл ас-сунна ҳамда Китоб ат-Таъхид номли китобларида ёзилган фикрларига алоҳида ургу берилган.

«Хотира» номли тўртинчи бўлимда доктор Габриела Келлер қаламига мансуб яна бир ижод намунаси — «Самарқанддан эртта» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда олимнинг Самарқанд билан боғлиқ хотиралари қаламга олинган. Муаллиф мақолада бу жозибали шахарнинг бетакрор ўзгаллиги, ўзбек оилаларида ҳукмрон бўлган самимият ва илиқ муҳит, ўзбек аёлларининг латофати ва камтарлиги хусусида завқ ва шафқ билан ёзади.

Г.Келлер самарқандликларнинг меҳмондўстлиги, уларнинг одамхўшлиги, халқ аъаналари ва урф-одатларини моҳирлик билан сақлаб келаятганини хусусида хикоя қилар экан, ўз фикрини қуйидаги давом эттиради: «2005 йилнинг май ойида мен бутун дунёга машҳур «Минг бир кеча» асари муқаддимида келтирилган, қадим даврлардан буён санъат, маданият ва исломнинг муқаддаслиги билан боғлиқ ушбу бетакрор шахарнинг фахрий фуқароси унвонини олдим. Энди бой аъаналарга эга бу эрттақондан шахар меннинг иккинчи ватанимга айланди. Мен Самарқанд қизиман. Бундан жуда мамнунман ва самарқандликлар фахрий унвон билан бирга менга тақдим этган ишонч ва муҳаббатдан беҳад миннатдорман», деб ёзади германиялик олима.

Масалан, Сўзангарон ҳудуди «игна тайёрловчилар» даҳиси бўлган. Бу ерда жойлашган тикувчилар матолар тайёрлаш ва



Фестиваллар

АСР ВАБОСИ БЎЛГАН ГИЁВАНДЛИК БУГУНГИ КУНДА БУТУН ДУНЁ АҲОЛИСИНИ ХАВОТИРГА СОЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИ МАНА ШУНДАЙ ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРНИНГ ЁМОН ОҚИБАТЛАРИНИ КЕНГ ТУШУНТИРИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР, ТАНЛОВЛАР ВА ФЕСТИВАЛЛАР МУНТАЗАМ ЎТҚАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Илгари хабар берганимиздек, яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида «Гиевандликка қарши экстрим» V ёшлар фестивали ўтказилди. Мазкур фестивал Президентимизнинг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий

фестиваль ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда уларни экстремал спорт турларига жалб этиш мақсадида ташкил этилди. Фестивалда экстремал спорт турларига эндигина кириб келган болалар ва профессионал спортчилардан 6-22 ёшга-



чү бўлган ўсмир ёшлар қатнашиб ўз маҳоратларини намойиш этишди. — Фестивални ўтказишдан мақсад, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси Дилбар Алишхонова, — гиеванд моддаларни истеъмол қилиш, тамаки чекишга қарши ёшларни экстремал спорт турларига қизиқтириш ва ана шу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир. Шунингдек, гиеванд моддаларни истеъмол қилишни инкор этиш. Фестиваль доирасида ёшларга интерфал улсулларда бу каби иллатларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунча берилди.

Маълумки кейинги йилларда экстремал спорт турларига ёшларимизнинг қизиқиши тобора ошиб бормоқда. Экстремал спорт турларига тоғли чанги, сноуборд, роликли коньки, скейтборд, тоғли велосипед «байк» ва бошқалар қиради. Айтиш жоизки, хозирги вақтда ёшларимизнинг дунёқарашлари, фикрлашлари тобора ўсиб борапти. Ўсмир ёшларимиз гиевандлик, компьютеромания, тамаки чекиш иллатларидан экстремал спорт турларини афзал кўрмоқдалар. Мазкур

ишлов бериш билан шугулланишган. Кулодон эса кулоллар маҳалласидир. Юсуф Чаррот маҳалласи — ёғоч уймақорлиги усталарининг мавзесидир».

Гамбург университети доктори Герд Гропп ўз тадқиқотини «Афросиёбнинг деворий суратлари» деб номлаган. Унда 1964 йили шох саройини қазийш чоғида топилган ва Самарқанднинг ўша даврдаги сарой ҳаётини акс эттирган ноёб қадимий деворий суратлар атрафлича ўрганилган.

Афросиёб суратларини таърифлар экан, олим Чагонийё-Бактрия элчисининг тасвирига тўхталиш ҳамда либосда акс эттирилган элчининг қуйидаги табриқ сўзини келтиради: «Хунн ҳукмдорининг элчиси ташриф буюрганида, у айтдики, «Мен Бур-Сат Чагонийё девони бошлиғи, бу ерда Чагонийё империяси етакчиси Туронтош номидан Самарқанд ҳукмдорига чўқур ҳурмат билан келдим. Ва жана хозир ҳукмдор қаршида чўқур ҳурмат ҳисси ила турибман. Мен Сизнинг қудратли салтанатингизга нисбатан эҳтирмомга тўлиб-тошганим ҳолда Сиздан хунн ҳукмдори сифатида ҳамиша омонликда бўлишимизни тиламан».

Китобнинг мазкур бўлимида Берлиндаги Ислам санъати музейида сақланаётган ноёб фотосуратлар ўз ўрнини топган. Уларнинг муаллифи 1898 йилда Марказий Осиёга сафар қилган ва ўз суратларини Берлин музейига тақдим этган таниқли санъатшунос Ф.Зарре ҳисобланади.

«Илоҳиётшунослик» бўлимида Циорх университетини профессорини, швейцариялик олим Ульрих Рудольфнинг «Самарқанддаги сунний илоҳиётшунослар тарихи» сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда Самарқандда сунний илоҳиётшуносликнинг юзга келиши ва ривожланиши, Самарқанд илоҳиётшунослик мактабининг асосчиси Абу Мансур ал-Мотурийдий тадқиқотлари ва илмий ишлари хусусида сўз боради. Жумладан, унинг Қуръони карим шарҳига бағишланган Таъвилот аҳл ас-сунна ҳамда Китоб ат-Таъхид номли китобларида ёзилган фикрларига алоҳида ургу берилган.

«Хотира» номли тўртинчи бўлимда доктор Габриела Келлер қаламига мансуб яна бир ижод намунаси — «Самарқанддан эртта» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда олимнинг Самарқанд билан боғлиқ хотиралари қаламга олинган. Муаллиф мақолада бу жозибали шахарнинг бетакрор ўзгаллиги, ўзбек оилаларида ҳукмрон бўлган самимият ва илиқ муҳит, ўзбек аёлларининг латофати ва камтарлиги хусусида завқ ва шафқ билан ёзади.

Г.Келлер самарқандликларнинг меҳмондўстлиги, уларнинг одамхўшлиги, халқ аъаналари ва урф-одатларини моҳирлик билан сақлаб келаятганини хусусида хикоя қилар экан, ўз фикрини қуйидаги давом эттиради: «2005 йилнинг май ойида мен бутун дунёга машҳур «Минг бир кеча» асари муқаддимида келтирилган, қадим даврлардан буён санъат, маданият ва исломнинг муқаддаслиги билан боғлиқ ушбу бетакрор шахарнинг фахрий фуқароси унвонини олдим. Энди бой аъаналарга эга бу эрттақондан шахар меннинг иккинчи ватанимга айланди. Мен Самарқанд қизиман. Бундан жуда мамнунман ва самарқандликлар фахрий унвон билан бирга менга тақдим этган ишонч ва муҳаббатдан беҳад миннатдорман», деб ёзади германиялик олима.

Масалан, Сўзангарон ҳудуди «игна тайёрловчилар» даҳиси бўлган. Бу ерда жойлашган тикувчилар матолар тайёрлаш ва

ишлов бериш билан шугулланишган. Кулодон эса кулоллар маҳалласидир. Юсуф Чаррот маҳалласи — ёғоч уймақорлиги усталарининг мавзесидир».

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайёви кўни

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

19-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг мажлисларида миссия таркибининг камида учдан икки қисми штирок этган тақдирда улар қонуний ҳисобланад Комиссиянинг қарорлари очик овоз бериш қади ҳозир бўлганларнинг кўпчилики овози биланбул этилади. Комиссия қарорига қўшилмаган миссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрлари айтишга ҳақлидирлар, бу фикрлар ёзма тарздажакли баёнига илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлардоирасида қабул этган қарорлари барча давлат жамоат идоралари, қорхоналар, муассасалар вшаклотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир.

Сайлов комиссиясининг қарори ва ишида: норози бўлиб юқори сайлов комиссиясига,шбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судгаэиза бериш мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига мувофиқ сайлов ўтказишга ажратган маблағ ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақлаб қолган ҳолда сайловга тайёрғарлик қўриш ва унитказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вафаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан бган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидақрурум этилган тақдирда ўз вазифасини бажардан озод қилиниши мумкин.

Сай

Инсон ва қонун

БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИКНИ САҚЛАШ, ЖИНОЯТЧИЛИК, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎЛИДА 35 МИНГДАН ЗИЁД МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТИ ФАОЛИЯТ ЮРИЯТЯТИ. УЛАРНИНГ АТРОФИДА БИР ҚАТОР ТЎГАРАКЛАР, КИЧИК БИЗНЕС ШОХОБЧАЛАРИ, ШУНИНГДЕК ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТИНИ УНУМЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН БАРЧА ЗАРУР АНЖОМЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГАН СПОРТ МАЖМУАЛАРИ БАРПО ЭТИЛИБ КЕЛАЖАК АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАВ БАРКАМОЛ ТАРЗДА ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Таянч пунктлари фаолиятдан

ЭП ТИНЧЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Хусусан, Бектемир туманидаги «Нурафшон» маҳалласида жойлашган 60-милиция таянч пункти фаолияти ҳам мана шундай хайрли мақсадга қаратилган. Профилактика инспекторларининг аҳоли билан ҳам-жihatлиги, яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ушбу ҳудудда турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир этилиши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

— Маҳалламизда 3066 нафар турли миллат кишилари истикомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда туман ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими профилактика катта инспектори, майор Рашид Тилеубаев. — Уларнинг тинч-аҳил яшашлари, вояга етмаган ёшларнинг турли ноқонуний оқимларга қўшилиб кетмаслиги, бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиши

олиши учун тун-кун иш олиб бораёмиз. Нотинч оилалар ёки ичкиликка берилган шахс, мактабга ўз вақтида ўқишга боришни хоҳламаган ҳар бир ёш бизнинг доимий назоратимизда. Улар билан мунтазам учрашув, тадбир ёки давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз. Мақсадимиз — юртимиз тинчлиги, осойишталигига муносиб ҳисса қўйиш, касбимиз масъулиятини ҳис қилган ҳолда иш олиб боришдир.

Биз ҳамиша пост-патруль хизмати сержанти Нусрат Қодиров билан маҳалла оқсоқоли Қулбой Ҳамроев, хотин-қизлар комиссияси раиси Мукаррам опа Маҳкамова, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Холлада опа Жўраевалар билан ўзаро ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб бораемиз. Яна 11 та посбонимиз ва уларга сардорлик қилаётган Бахтиёр Абдурахмонов, 7 нафар кўча бошилар бизга яқиндан ёрдам бериб кел-

моқдалар.

Жорий йилда маҳалланинг гузари қайта таъмирдан чиқарилиб, болажонлар учун стадион қурилгани аҳолига, айниқса ёшларга муносиб соғва бўлди. Бугунги кунда ёшлар спортнинг турли йўналишлари бўйича шугулланиб, ўз саломатликларини тикламоқдалар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки бизнинг иш фаолиятимизда паспорт режимига амал қилиш диққат-марказимизда турадиган асосий вазифалардан бирига айланган. Чунки ушбу маҳаллада кимлар туради, уларнинг ишлаши, ўқиши, шугулланадиган машғулоти ҳақида ҳамиша маълумотга эгамиз. Кимлар келяпти, кетаяпти, квартирага кимлар кўймоқда, нега ўқимас мактабга бормади кўйди, кўчада нима иш билан машғул бўлмоқда? Буларнинг барчаси бизни ўз ишимизга янада масъулият билан қарашга, сезгир, ҳушёр бўлишга

Бундан кўриниб турибдики, ислохотлар негизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати, оила ривож ва бошқа ҳуқуқлар ҳимояси ўз аксини топган. Халқимиз азадан оилага — Ватанга муқаддас даргоҳ сифатида қараган. Негаки, ватан ва унинг тараққиёти, ривож, юксалишида оилаларнинг ўрни асосий мезон ҳисобланади. Чунки оила қанча мустақкам, муҳити соғлом бўлса, унда тарбиялана-

ни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда «Ҳомийлар тўғрисида» ва «Йод этишмаслиги касалликларига профилактикаси тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши, улар ижросининг таъминлаб борилиши давлатимиз ижти-

моқда. 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши муносабати билан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш учун ажратилган бюджет маблағлари 1,5 фоизга оширилди. Бу йил давомид яна 100 миң кам таъминланган оила моддий ёрдам олиш имкониятига эга бўлди деган гап.



Сўраш, жавоб берамиз

Мухарририятимизга турли мавзулардаги мактублар кўллаб келаядиз ва телефон кўнгироклари бўлиб туради. Айниқса хилма-хил саволлар билан мурожаат этувчи газетхонлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ана шундай саволлардан бири Мирзо Улугбек тумани Қорасув даҳасида истикомат қилаётган С. Абдуҷаббордан келди.

— Қурилиш пудрати шартномасини тузиш ва ижросини таъминлаш тартиби қандай? — дея сўраган у мактубида.

Ушбу саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими Элдор АМИРКУЛОВ шундай жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик Кодексининг 666-моддасида белгиланишича, қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириги билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шaroит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаши зарур бўлади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхона, бинони (жумладан уй-жой биносини) иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қондалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишлари нисбатан ҳам татбиқ этилади.

ундайди. Айниқса ҳудудимиз «Кўйлик» дехқон бозорига яқин бўлгани учун ҳам келиб-кетувчилар сафи кўпчиликини ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда тартибсизлик, иш ёки ўқиш билан банд бўлмайд қолган ёшларнинг кечалари бе-мақсад сандирақлаб юришлари йўл қўймайди, аксинча спорт билан шугулланиб соғлом бўлишлари ёки бирон фойдали юмуш билан шугулланишлари шaroит яратилган ҳаракат қиламиз. Чунки бекорчиликдан ҳар хил бемаъналик, बेзориликка қўл уришлар келиб чиқади.

Бир сўз билан айтганимиз бўлсам мақсадимиз элимизга, юртимизга хизмат қилиш, фўқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдир.

Зеро, юрт тинчлиги — эл бойлиги. Ушбу хайрли мақсад йўлида заҳматли, айна пай-тада шарафли касбларини ардоқлаб келаятган тинчлигимиз посбонларига эзгу ишлардан асло толманг, деб қоламиз.

Шoира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: 60-милиция таянч пункти фаолиятдан лавҳа
Хусанбой Аввалов олган сурат.

Иқтисодиёт

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИНГ МУКАММАЛ БЎЛИШИ АЛБАТТА МУСТАҲКАМ ВА СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИГА, ИНШОТЛАРНИНГ КЎРКИ ВА ЧИРОЙИ ПАРДОЗЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИГА КЎП ЖИҲАТДАН БОҒЛИҚ.

Ана шуни назарда тутган ишлаб чиқарувчилар бугунги кунда бозор талабидан келиб чиқиб замонавий ва юқори сифатли қурилиш ашёлари тайёрлашга, қурувчиларга мадад бўлишга интилишмоқдаки, энг муҳими импорт ўрини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

«Мир окон» хусусий корхонаси маҳсулотлари ҳам ана шундай товарлар сирасидан бўлиб, унинг цехларида Италия ва Германия технологияларидан оқилона фойдаланган ҳолда тайёрланаётган эшик, ром ва паркетлардан юртимиздаги кўплаб қурилиш ташкилотлари ва аҳоли самарали фойдаланмоқда. Асосий хом ашё ҳисобланган ёғочдан унумли фойдаланган тадбиркорлар бугунги кунга келиб маҳсулот турларини 20 хилдан оширишди.

— Буюртмаларни бажарар эканмиз асосан харидор талабидан келиб чиқамиз, — дейди корхона директори Назрулла Юсупхўжаев. — Барча маҳсулотларимиз сертификатланган ва афзаллик томони шундаки, хоналардаги иссиқликни сақлаб туради, ўрнатилган қулай ва узоқ йиллар хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда янги маҳсулот яратиш устида тинмай изланаёмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, чиндан ҳам излаган имкон топади. Корхона мутахассислари жорий йилда янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Тахтадан тайёрланган мебель қопламаси — шпонлар буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «SHIRIN DUNYO» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҚАНДОЛАТПАЗЛАРИ АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА МАЗАЛИ ШИРИНЛИКЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА АҲД ҚИЛГАН БЎЛИБ, ЖОРИЙ ЙИЛДА БУ ЕРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТИ ТУРЛАРИ 60 ХИЛДАН ОРТИБ КЕТДИ.

Маҳсулот турларини кўпайтириш учун корхонага ҳамкор давлат — Эрондан янги дастоҳлар келтириб ўрнатилди ва 12 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Натижада корхонада тайёрланаётган пирожний, печенье ва торт маҳсулотлари ҳам кўпайди. Айниқса, яқинда тайёрланиши йўлга қўйилган «Прага» ва «Шахризода» деб номланган тортлар дизайни ва мазаси билан алоҳида ажралиб туради.

Корхона маҳсулотларининг ички бозорда ўз ўрни бўлиб, у хозирда шаҳримиздаги 70 дан зиёд савдо шохобчаларига етказиб берилди. Бу борада корхонанинг махсус жиҳозланган автомашиналари хизмат йўлга қўйилган. Энг муҳими эса маҳсулот юксак сифатга эга бўлган маҳаллий хом ашёдан тайёрланади. Келгусида эса маҳсулотларнинг қадоқланишига ҳамда сақлиниш муддати узайишига эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда.

СИФАТГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР

ШАҲРИМИЗДА БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БЎЕН ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «МАХИМУМ» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ СИФАТЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТИКИШ БИЛАН БИРГА, УЛАРНИ ТЭЗКОР ТАЪМИРЛАБ БЕРИШНИ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГАН.

— Бозор талаби, харидор дид ва эҳтиёжи асосида, айниқса ички бозоримизни импорт ўрини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирини эзгу мақсад қилиб иш бошлагандик, — дейди хусусий корхона раҳбари, ишчан тадбиркор Максим Брикoв. — 2000 йилдан бўён меҳнат жамоамиз билан биргаликдаги сазй-ҳаракатларимиз боис ҳар мавсумда 50 турдан ортик фақат аёллар учун бири-биридан гўзал, бежирим, экслюзив (3-4 нусхадан иборат) кийим-кечаклар тикилади.

Касбига астойдил меҳр қўйган бичувчи, тикувчи, замонавий дизайнчилар хорижий, юксак унумли машиналар мададида буюртмаларни қисқа муддатларда бажаришмоқда. Ушбу мавсумга табиий тери, драп, жун каби сифатли матолардан тикилган ярашқили либослар — костюм, юбка, нимча, куртка, калта пальто, плаш, суртук каби кийимлар хориждан келтирилганларидан сифати жиҳатидан сира қолишмайди. Аксинча, кўплаб афзалликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Матолари иқлим шароитимиздан келиб чиққан ҳолда мослаб танланади, нархлари нисбатан арзон ҳамда кичик нусхаларда тикилади.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ТЯЯНИБ

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, ШУБҲАСИЗ ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПАДИ. АНА ШУНДАЙ ТОВАРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАМОНАВИЙ ДАСТОҲ ВА УСКУНАЛАР, ЖАМОАНИНГ КАСБ-МАҲОРАТИ ҲАМДА СИФАТЛИ ХОМ АШЁГА БЕВОСИТА БОҒЛИКЛИГИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.

Сергели туманида фаолият юритаётган «SAVOYA-SERVIS» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли, хуштаъм, харидорғир маҳсулотлар — лимон шарбатли, «Провансаль», «Зайтунли», «Енгил» каби 9 турдаги турли ҳажмда (кўп марта ишлатиларган ишча банкчалар ҳамда дезаторли пластик халтачаларда) чиройли қадоқланган майонезларнинг нафақат пойтахтда, балки республикамиз бўйлаб харидорларига эгаллиги эътиборга молик. Жумладан, 6 хил «Чучук-ширин», «Аччиқ», «Саримсоқли», «Классик», «Элит» кетчупларининг сифати аллақачон эътироф этилганлиги маъзур корхона аҳлининг самарали сазй-ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ВАТАН — ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

МАМЛАКАТИМИЗ ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ БЕЛГИЛАР ЭКАН, ЭНГ АВВАЛО КУЧЛИ ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФЎҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ, МАЪНАВИЙ СОҲАДА ЭСА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФҚУРАНИ ЖАМИЯТ НЕГИЗИ БЎЛИШИ ОИЛАДА ШАКЛЛАНТИРИШНИ БОШ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙГАН.

ётган ёш авлод соғлом ва баркамол бўлиб етишсади.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши ижтимоий ёрдамни кучайтиришга яна бир туртки бўлди. Оила манфаати, унинг кадр-қиммати олий кадрият деб эътироф этилган мамлакатимизда олиб борилаётган адолатли, инсонпарварлик ғояси билан суғорилган сиёсатнинг мазмун-моҳияти бугун амалга оширилаётган ислохотларда намён бўлмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида Президентимизнинг «Еш оилалар-

моий сиёсатининг изчиллигидан, эркин инсонпарвар жамият барпо этишни ўзига мақсад қилиб қўйганлигидан далолат беради.

Шуни айтиш лозимки, бугунги кунда республикамизда «Оила» илмий-амалий марказлари фаолият юритаёпти. Бу марказлар томонидан оила муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга оид tavsiyalar ишлаб чиқибли, ёшларни Ватанга, оиллага, маҳалласига хурмат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиб келин-

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ҳуқуқимиз бошлаб берган ва ҳуқуқий жиҳатдан асосланган ижтимоий ҳимояни ҳар биримиз кундалик эҳтиёж каби қабул қилишимиз, меҳр-мурувватли бўлишимиз ва Юртбошимиз таъкидлаганларидек савоб ишни ҳар биримиз ва ҳар кучи қилишимиз лозим бўлади. Бунинг натижасида минглаб оилалар ва жамиятимиз буст-бўтуғлигини таъминлашга оид ҳисса қўшган бўламиз.

Омина ОЧИЛОВА,
хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ

«ОИЛА—ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЎГИНИ». БУ ҚОНДА КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 63-МОДДАСИДА ҲАМ ЎЗИНИНГ ТЎЛАҚОНЛИ ИФОДАСИНИ ТОПГАН.

Яқинда шундай бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. —Ҳаммаси эримнинг вафотидан сўнг бошланди, — дейди ўрта ёшлардаги аёл кўзига ёш қўйилиб. —Аваллари эримнинг қариндошлари билан жуда иноқ эдик. Улар мени хурмат қилишарди. Энди билсам барчаси мол-мулк учун экан-да, деган фикр миямга келди. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Эримнинг маърака маросимларини ўтказиб улгурмай қариндошлар ўртасида мол-мулк жанжали бошланди.

— Нега, турмуш ўртоғингиздан кейин мол-мулкка сиз эгалик қилишингиз маълумку?

— Аслида шундай экан, аммо биз никоҳ шартномаси тузмаганмиз.

— Эрингиз билан қонуний никоҳсиз яшаган эдингизми?

— Ҳа, мен эримнинг иккинчи турмуши эдим. У киши биринчи оиласидан фарзанд кўрган экан. Биз ҳам 20 йил бирга яшадик, аммо тақдир экан, фарзандли бўлмадик. Тинч, аҳил яшаганимиз учун никоҳдан ўтиш шарт эмас деб ўйлабман. Энди эса синглиси ва бошқа қариндошлари эримдан қолган меросни талашиб мени уйдан чиқариб юборишди. Ахир бу уйда эрим билан 20 йилдан ортик вақт бирга ҳаёт кечирдик. Ота-онам оламдан ўтиб кетган. Ёшим бир жойга борганда ака-укаларнинг уйига ситаримдим.

Дарҳақиқат, кўпгина ҳолларда фўқароларнинг ҳуқуқий саводидаги айрим камчиликлар мерос масаласи, эр-хотин ўртасидаги мулкни муаммоларга доир кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда фўқаролик судларида қўрилаётган ишларнинг асосий қисмини эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар, улар ўртасидаги никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ бўлган мулкни низола ташкил қилади. Қонунга кўра, никоҳ томонларнинг ихтиёрли розилиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида тузилади. Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»да эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби белгиланган. Бироқ никоҳдан ўтаётган-

лар орасида никоҳ шартномасининг мазмун-моҳиятини англаб етмаган ёки уни тузишга амал қилмаганлар кўпчиликини ташкил этади. Агарда никоҳ шартномасининг қонунда белгиланган тартиби билан танишиб, унга вақтида рия қилинса, баъзи ҳолларда турмушда учрайдиган оилавий келишмовчиликгун оворажарчиликларнинг олди олинган бўлармиди? Суд жараёнида қўрилаётган мол-мулк ажримлари йиллаб чўзилмасиди...

Бугунги кунда Республикаимизда тараққиёт илгариллаб, ҳуқуқий давлат барпо этилди. Фўқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари юзасидан қонуний имкониятлар яратиб қўйилган. Бу қонуний ҳужжатлардан бири—никоҳ шартномасидир. Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»нинг 29-36 моддаларида никоҳ шартномаси билан боғлиқ ечимлар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 29-моддасида никоҳ шартномасининг қўйидаги таърифи берилган: «Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулквий ҳуқуқий ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувчи никоҳ шартномаси деб ҳисобланади». Никоҳ шартномаси фақат ёзма равишда, нотариус тасдиғи орқалигина тузилади.

Никоҳ шартномаси моҳиятига кўра у оила қуришдан олдин ёки никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Оила қуришдан олдин тузилган бундай никоҳ шартномаси давлат рўйхатида олинган қундан бошлаб кўчага қиради.

«Оила кодекси»нинг 31-моддасига мувофиқ эр ва хотин никоҳ шартномасига асосан биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга ҳақлидирлар. Уларнинг умумий мулкига шу кодекснинг 23-моддасида қўйидагича таъриф берилган:

«Эр ва хотиннинг никоҳ давомид орттирилган мол-мулклари, умумий маблағлари, агар никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади».

Фўқаролик Кодексининг 225-моддасига кўра, агар биргаликдаги умумий мулк иштирокчилари ўртасидаги келишув билан бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, улар умумий мулкка бирлашиб эгалик қиладилар ва ундан фойдаланадилар. Демак, эр ва хотин ўзларининг барча мол-мулкларига, уларнинг айрим турларига ёхуд ҳар бириларининг мол-мулкларига нисбатан биргаликдаги ишларни ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатилари, содда қилиб айтганда, мулкни ўзаро бўлиб олишлари мумкин.

Мирзо Улугбек туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуслар

